



Табакайи мунавварайи миллияси (яъни интеллигенцияси) бўлмаган бирор-бир миллат йўқдир.

Немис, франдуз, англиз каби буюк миллатлардан ибрат олган поляк, чех каби мутамаддун кавмларни ҳам киёсга олмас эсак, Русиянинг шимолидаги бир ховуч финланда ва жанубидаги ярим хрвуч арманиларда ҳам «табакайи мунавварайи миллия» кўрмоқдамиз... Кўрмоқдамиз-да, сукланиб ва хасратда қолиб, ўз миллатимизнинг бундан махрум эканлигига қонли ёшлар тўқмоқдамиз.

Бир миллиён армани орасида бир неча юз зиёли миллатчилар борлиги ва мухаббати миллиялари, жиддият ва фаолият ва ихлослари ила Усмонли ва Русия каби икки буюк ҳукуматнинг тасарруфида бўлган бир неча вилоятларни бир-бирига карама-қарши қилишга муваффақ бўлганлари ҳолда йигирма миллиён Русия мусулмонлари ёки ўн саккиз миллионлик Русия турклари орасида етти-саккиз жиддий миллиятчи бўлмаганига таассуф олдир, оташларга қириб, ёнишимиз керак.

Бундан йигирма, ўттиз, қирк йил аввал миллатимизнинг бошида турган, русларнинг таъбиринча, «образованне мусульмане» (табакайи мунавварамиз) тилга олинар эди.

Булар икки генерал, уч пўлкўвник, беш капитан, етти ясаул пўдпўручик, ўн икки губернски секретар, йигирма қолижаский регистратур ила буларга йўлдош бўлган қирк-эллик сохиби медал ва хилъат афандилардан бўлар эди.

Ушбу табақа учун миллат надир ва миллат учун булар надир? Бу — ҳар бирингизга маълум.

Ичкари Русияда, Қримда ва Кавказда бу табақадан миллатга ёдгор қолган бир нарсаяўқдир. На иш, на ёзув, на илм ва на яхши от.

Нима бўлганда ҳам, жаноби Ҳақ бу табаканинг таксиротини афў этиб, қайта пайдо бўлишларини ўзи насиб айласин. Фалон бекнинг мадрасаси, фалончи етиштирган одамлар, фалон князнинг асари адабияси ё таржимаи фаннияси ёки химмати илмияси ўларок «бир нарса» қўрилмади. Миллат фойдасига қилинган фалон «бир иш» ёшитилмади.

Бу марҳумларнинг тўғридан-тўғри ўғил ва авлоди бўлмаса-да, ворислари, деб ном олган ёшларимиз ва ёш табакайи мунавварамиздан буюк ишлар, нафъли амаллар, миллатни тараккий ва юксалишига олиб боровчи тадбирлар қутилмоқда. Ажабо, булар мансуб бўлган миллатларига қандай хизмат қилишлари мумкин?

Бунга жавоб берадиган даражада бирор-бир асар ва адабиёт йўқдир. Матбуъ суратда

маслаки миллия музокара килинмади. Бу холда тахсили олия кўрган жавонларимиз ва бошка бир суратда касби маълумот этмиш одамларимиз бир мажлис, бир ижтимоъ килиб, жиддий бир маслак ва тарзи ҳаракат таъйин этсалар яхши бўлмасмиди?

Хар вилоятда бир неча зиёли ёки маълумотли мусулмон бор. Аммо булар бир-бирини билишни истамай, пароканда умр ва фикр юритмокдалар... Биз, зиёли мусулмонлар, жуда озмиз. Лекин жумламиз уч-беш кун бир маҳаллада ижтимоъ ва мажлис килсак, «бир канча» эканлигимизни кўриб, кўнглимизни очар, фикримизни этардик.

Миллатимизга букун нима керак? Миллатимизга эрта ва индин нима керак бўлади?

Бугун нима килиши керак, нима килмаслиги керак? Миллат нима истайди ва нимани истамайди каби бир канча масалалар музокара килинарни ва шубҳасиз, фоидаси ҳам кўринар эди.

Оддий ва содда аҳоли, яъни тужжору уламо ва оддий косиблар икки-уч маротаба «умумий мажлис»лар ўтказиб, Макарияда, Петербургда «шўройи уммат»ларга юзлаб келдилар. Бир турли мушоваралар килиб, қарорлар қабул килдилар... Биз, зиёлиларга буларнинг химмати намунайи им тисол бўладиган холлардандир.

Миллат уйғонади, иш бошлайди. Бизлар... кўркаман, ҳозир нима лозим. Ё мавзудан четда ёки янглиш йўлларда юрмокдамиз.

«Таржимон» г., 1907 й., 12-сон